Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
28 август,
жума
№ 30-31 (804)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ГЕОЛОГИЯ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналишига устувор аҳамият қаратилиб, улар жадал ривожлантирилишини таъкидлаган эди. Жорий йилда геология соҳаси ана шундай йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Шу мақсадда Президентнинг 4 та қарори қабул қилинди. Уларнинг ижроси доирасида соҳани модернизация қилиш ва рақамлаштириш, геологик қидирув кўлами ва самарадорлигини оширишга эришилмоқда.

— Ўзбекистонда янги геология тизими яратилмоқда. Уни ривожлантиришдан мақсад — табиий ресурсларни халқимиз манфаатига йўналтириш, иш жойлари ташкил этиб, одамларни бой қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи навбатда геологик илм-фанни тиклаш ва замонавий кадрлар тайёрлашга замин яратилди. Хусусан, Геология фанлари университети ташкил этилиб, унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти бирлаштирилди.

Замонавий бурғилаш ва лаборатория ускуналари олиб келинди. Бунинг натижасида бурғилаш унумдорлиги 2019 йилга нисбатан 25 фоиз ошди. Жумладан, рудадаги элементларни аниқлаш кўлами 40 тадан 63 тагача кўпайди.

Йил бошидан буён 150 та янги кон давлат балансига олинди. Олтин, кумуш, уран, мис, молибден ресурслари ва захиралари кўпайди. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги Кулжуктов ҳамда Ауминзотов тоғлари ҳудудида 3 та олтин, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳамда Жиззах вилояти Арнасой туманида 2 та уран кони аниқланди.

Шунингдек, 32 та геология-кон захираси халқаро JORC стандартларига ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 155 минг гектар майдонда тезкор гидрогеологик изланишлар олиб борилди. Сув танқис ҳудудларда суткасига қўшимча 90 минг кубометр таъминлайдиган сув захиралари тасдиқланди.

Тадбирда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг ҳисоботи эшитилди. 20 та янги конга онлайн аукционда, очиқ ва шаффоф тарзда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш жараёнининг бориши кўриб чиқилди.

Соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили геология-қидирув ишларини 2 баробар кенгайтириб, янги истиқболли майдонларни аниқлаш, соҳага замонавий лаборатория техникаларини жорий қилишни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Геология қўмитасига саноат кооперацияси асосида янги конларни қидириш, топилган ресурсларни ўзлаштириш учун хусусий секторга бериш амалиётини янада кенг қўллаш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда геологик, айниқса, гидрогеологик қидирувлар бўйича доимий экспедициялар ташкил этиш зарурлиги айтилди.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мутасаддиларга белгиланган чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **"Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **113** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **5** нафари асосий жазодан озод этилди, **53** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **15** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **40** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **1** нафарини **60 ёшдан** ошган эркак, **2** нафарини чет давлат фуқаролари, **105** нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёркин истеъдоди, серқирра ижоди, илмий-инновацион фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:

"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони билан

Каримова Дилором Маликовна — меҳнат фахрийси, эркин ижодкор

Собиров Оғабек Каримович — Ўзбекистон давлат филармониясининг "Лазги" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

"Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони билан

Шайдилов Сафар Нормуродович — Қизириқ туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

"Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми" фахрий унвони билан

Анназаров Жасвантбек Баҳромович — Тошкент шаҳридаги "TIART" масъулияти чекланган жамияти ҳайкалтарошлик корхонаси директори, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

"Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони билан

Асадов Миржамол — Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Самарқанд вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан

Абдикамалов Бахтиёр Абдиразақович — Қорақалпоқ давлат университети физика кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишига ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшгани, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, муқаддас шифокорлик бурчини виждонан адо этишдаги жасорати ва фидойилиги учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан

Абдуллаев Мурод Бобожонович — Олот тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар юқумли касалликлари реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи, Бухоро вилояти

Исоқулов Тўлқин Ўролович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ҳарбий-тиббий бошқармаси бошлиғи

Кариев Ғайрат Маратович — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

(Давоми 3-бетда) ▶

Мустақилликнинг 29 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК, АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК КАФОЛАТИ

"Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг "кичик ватани"га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади." Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келтирилди.

Сўнги уч-тўрт йилда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида бу борада изчил ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастури"нинг қабул қилиниши кўплаб юртдошларимиз орзуларининг рўёби бўлди.

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган ушбу Дастурнинг энг муҳим хусусияти шуки, унда адолат ва инсонпарварлик принциплари устувор аҳамият касб этади.

(Давоми 5-бетда) ▶

Бу дунёда ҳамманинг ҳам умр йўли рисоладагидек равон кечмайди. Оиладаги носоғлом муҳит ёки эр-хотиннинг феъл-атворидан келиб чиқиб, баъзан оилавий ажримлар ҳам юз беради. Бунинг оқибатида юзага келадиган алимент ундириш билан боғлиқ низолар, асосан, судда қонуний ечимини топади.

Мезон

Асоссиз ариза

Олий суд томонидан рад этилди

Албатта, алимент тўлаш, яъни вояга етмаган фарзандини моддий жиҳатдан таъминлашдек конституциявий бурчини бажаришга масъулиятсизлик билан қарайдиган кишилар ҳам учраб туради. Шу боис, кўпинча ундирувчилар фарзанди учун собиқ турмуш ўртоғидан белгиланган алимент пулини ўз вақтида ололмай сарсон бўлади.

Аммо Наманган шаҳрида яшовчи (исм-шарифлар ўзгартирилган) Манзура Ёрматова билан боғлиқ ҳолатда бунинг акси кузатилди.

Гап шундаки, Манзура бундан бир неча йил муқаддам Баҳром Калонов билан турмуш қуради. Натижада оилада бирин-кетин 2 нафар фарзанд дунёга келади.

Бироқ кейинчалик эр-хотиннинг ўртасига совуқчилик тушиб, оиладан файзу барака кўтарилади. Бу хонадондан кунда-кунора жанжал, майда-чуйда гап-сўзлар ва асаббузарликлар аримай қолади.

Охир-оқибат уларнинг никоҳи қонуний тартибда бекор қилинади. Бинобарин, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши билган М.Ёрматова алимент ундириш юзасидан судга мурожаат қилади.

(Давоми 5-бетда) ▶

Бағрикенглик

Байрам арафасида 16 нафар маҳкума аёл муддатидан илгари озод этилди

Аёл борки — олам мунаввар, деган каломни такрорлашни яхши кўрамиз. Чунки аёл зоти оналик меҳри билан онлани, дунёни чароғон қилишга қодир.

Аммо "Ҳар тўкисда бир кемтик", деганларидек, ҳаётда адашиб турли йўлларга кириб қолаётган хотин-қизлар ҳам учраб туради. Бироқ хато қилса ҳам, жиноят содир этса ҳам, оналарни кечириш мумкин ва керак. Чунки унинг бир оғиз илиқ сўзига, қайноқ меҳрига муҳтож қалблар бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жамиятимизда аёлларга нисбатан доим меҳр-шафқат асосида бағрикенглик қилиб келинмоқда. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган аёллар тегишли ташкилотлар кафиллиги асосида қамалмасдан, жазодан озод этилаётгани бунинг яққол далилидир.

Мана шундай инсонпарварлик сиёсати натижасида адашган, аммо хатосини тушуниб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган маҳкума аёлларга ҳам енгиллик берилмоқда. Улар жазодан муддатидан илгари озод қилиниб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жазони ижро этиш муассасаларида оғир, ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 16 маҳкума аёлнинг назорат тартибида берган шикоятлари кўриб чиқилди.

(Давоми 6-бетда) ▶

Меҳнат қонунчилиги

ғайриқонуний буйруқнинг бекор қилиниши билан қарор топди

Гулнора Алижонова (исм-шарифлар ўзгартирилди) олий маълумотли, тўрт йиллик иш стажига эга банк ходимаси эди. Агробанкнинг Пахтачи туман филиалида биринчи тоифали мутахассис лавозимида фаолият юритиб келаётган Г. Алижонова банкнинг таркибий тузилмаларига ўзгартиш киритилаётганидан хабардор эди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Каримов Баҳодир Нурметович — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси мудири

Маҳмудова Дилдорхон Йўлдошхон қизи — Қўқон шаҳридаги 9-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Фарғона вилояти

Раҳмонов Содиқжон Мўминович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти маҳобатли рангтасвир кафедраси доценти, рассом

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони билан

Акилова Камола Болтабоевна — Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари — Маданий мерос департаменти бошлиғи

Аҳмедов Жаҳонгир Одилхўжаевич — "Эзгу-фильм" студияси режиссёри, Тошкент шаҳри

Дўстмуҳамедов Хуршид Набиевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,ёзувчи

Қодирий Хондамир Ҳабибулла ўғли — Абдулла Қодирий уй-музейи директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан

Ҳайдаров Равшан Акмалович — футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар (U-23) терма жамоаси бош мураббийи

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан

Аҳмедов Одил Алимжонович — футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Абдурашидов Абдулаҳат — Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли олий тоифали созандаси

Азимов Усмонқул (Усмон Азим) — Ўзбек Миллий академик драма театри адабий бўлими мудири

Ихтиёров Бахтиёр Аҳмедович — Ўзбекистон давлат сатира театри фахрийси

Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович — Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори

Саъдуллаев Лутфулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон давлат сатира театри фахрийси

Эгамназаров Алиназар Имомназарович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Абдураҳмонов Қаҳҳор Фаттоҳович — Тошкент ахборот технологиялари университети физика кафедраси профессори

Аъзамов Эркин Нормаматович (Эркин Аъзам) — "Тафаккур" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Мирзаев Тўра — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, академик

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Аҳмедов Сирожиддин Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи экспозиция бўлими бошлиғи

Бафоев Мустафо — Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси профессори

Дониёров Салим Мусурмонович — "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти бош муҳаррири

Исломов Дилмурод Мухутович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти чолғу ижрочилиги кафедраси профессори

Қосимов Баҳодир Ўринбоевич — "Миллий" телеканали кино ва дубляж бўлими бошлиғи

Қосимов Ҳайдарали Саидалиевич — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри бош режиссёри

Қўчқоров Шер Матёқубович — Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

Муллабоев Тоир Собирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали" акциядорлик жамияти қошидаги "Bolajon" телеканали муҳаррири

Муҳамедова Малура Насриддиновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

Пидаев Шокиржон Расулевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори

Раззоқова Муяссар Қодировна — Ўзбекистон давлат консерваторияси академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси мудири

Раметова Саида Ҳожиевна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Раҳимбоева Қутлибека — "Саодат" журнали бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Рўзимбоев Сапарбой — Урганч давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Саъдуллаев Азимбой — Ўзбекистон Миллий университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Сапаева Мирзагул Жуманазаровна — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри вокал артисти

Султонов Жалил Жалолович — меҳнат фахрийси, японшунос

Тошматов Маъмуржон Ғаниевич — Ўзбекистон давлат филармонияси Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри бадиий раҳбари

Тешабоева Умида Алимжоновна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

Умиров Сайди — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика кафедраси доценти

Уразимбетов Низаматдин Тажитдинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Respublika teleradiomarkazi" давлат унитар корхонаси Нукус филиали телерадиомаркази олий тоифали телеоператори

Ҳасанов Аҳаджон Аҳмеджонович — Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ислом тарихи ва манбашунослиги кафедраси профессори

Ёқубов Ғуломжон Тошпўлатович — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

"Дўстлик" ордени билан

Абдураҳмонов Қаландар — Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Алижонов Соҳибжон Назиржонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази" давлат муассасаси директори

Ахетова Алима Шаниязовна — Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Аҳмедшаев Аҳмаджон Шоякубович — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Давлат геология музейи директори

Ахметзянов Фарит Рашитович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Баҳодирхонов Муҳамед Кабир — Тошкент давлат техника университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Бородина Марина Ростиславовна — Тошкент архитектура қурилиш институти интерьер ва ландшафт дизайни кафедраси профессори

Глубокина Наталья Леонидовна — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош рассоми

Дадаев Аҳмаджон Шокаримович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг миллий қўшиқчилик кафедраси доценти

Жумаев Бўриқул Ўроқович — Бойсун тумани "Даштиғоз" маданият маркази қошидаги ҳаваскорлик жамоаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

Ильин Николай Дмитриевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бош мутахассиси, шоир

Исломов Холмурод Мухутович — Республика "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази доирачилар тўгараги ўқитувчиси

Исломов Элмурод Мухутович — Республика "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази доирачилар тўгараги раҳбари

Камолов Бадриддин Садриддинович — Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари "Нуронийлар" санаторийси директори

Каштанова Любовь Иосифовна — Юнусобод туманидаги 97-умумий ўрта таълим мактаби математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қаюмов Козим Обидович — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқий театр-студияси олий тоифали саҳна устаси

Қодиров Баян — Ургут тумани маданият бўлими қошидаги мақом тўгараги раҳбари, Самарқанд вилояти

Қосимов Жаҳонгир Мирсобитович — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

Муродов Маҳмуджон Мўминович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

Мусин Роман Салихович — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри саҳна машинисти

Надирова Елена Фаритовна — Тошкент давлат хореография академияси хореография коллежи махсус фан ўқитувчиси

Надирова Айгуль Базарбаевна — Нукус давлат педагогика институти мусиқий таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Носиров Элёр Расулевич — Ўзбекистон давлат драма театри актёри

Раззоқова Кумуш Қодировна — меҳнат фахрийси, эстрада хонандаси

Рисқиев Рифат Асадович — фахрий спортчи

Собиров Равшан Зоирович — Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Сафаров Орол Абдуманнонович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти миллий қўшиқчилик кафедраси доценти

Собиров Кимсанбой Набиевич — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри олий тоифали драма артисти, Фарғона вилояти

Тўхтаев Тўхтамиш Давлатович — "Овози тожик" газетаси таҳририяти бўлим муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Холиқулова Гўзал Эркиновна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Ҳасанов Ҳамидулла — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедраси ўқитувчиси

Ҳасанова Сайёра Салаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Хоразм вилояти телерадиокомпанияси "Воҳа" тезкор ахборот гуруҳи катта муҳаррири

Ҳамдамов Бобомурод — меҳнат фахрийси, хонанда

Ҳамроқулов Нуриддин — меҳнат фахрийси, хонанда

Чилин Владимир Иванович — Ўзбекистон Миллий университети алгебра ва функционал анализ кафедраси профессори

Шарипова Раъно Бойзаевна — меҳнат фахрийси, хонанда

Эргашева Юлдуз Алимовна — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири

Эрматов Ҳусан Тоҳирович — "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари бош муҳаррири

Югай Лев Павлович — Миллий тадқиқот технология университетининг Олмалиқ филиали математика ва умумий касбий фанлар кафедраси мудири

Юлдошев Маҳаммаджон Усубжонович — Ўзбекистон давлат филармонияси ўзбек миллий мумтоз ашула ансамбли хонандаси

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Газиев Баҳромжон Валиевич — Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси раиси

Илёсов Васил Ғайбуллаевич — "Жиззах ҳақиқати" — "Джизакская правда" газеталари таҳририяти бўлим муҳаррири

Маткаримов Салимжон Ибодуллаевич — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агенлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази республика телерадиоэшиттиришлари мониторинги бўлими бошлиғи

Мирзаев Абдураззоқ Умрзоқович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими раиси

Мирзаев Манучеҳр Боборaҳимович — Самарқанд вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Раҳимжонов Ифтихор Тўхтамуродович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси режиссёри

Тўхташев Жамолиддин Қурбонович — "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

Усмонова Назокат Шавкатовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сиёсат ва янгиликлар таҳририяти бўлим мудири

Холлиева Дилбар Каримбоевна — "SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқоваловчиси

Шукуров Саидаҳмад Холдорович — "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари таҳририяти бош муҳаррири

"Соғлом турмуш" медали билан

Арслонов Нажиб Гадиевич — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби бокс бўлими мураббийи

Бабалиева Гулчеҳра Рўзибоевна — Узун туманидаги 5-давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Бойназарова Зуҳра Мукумжоновна — Сайхунобод туманидаги 9-давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Бойдадаев Абдужаббор Абдусатторович — Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори ўринбосари, Наманган вилояти

Гозиев Абдулла Убайдуллаевич — "Шифокор ва ҳаёт" газетаси таҳририяти муҳаррири, Наманган вилояти

Жаксимуратов Мухаммед Раметуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси спортнинг яккакураш турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби катта йўриқчи-услубчиси

Жуманиёзова Гулнора Эркиновна — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Исакова Зухра Конисбаевна — Қорақалпоғистон болалар ва ўсмирларининг "Жеткиншек" газетаси бўлим мудири

Кеунимжаева Тўхтагул Кудайназаровна — Қораўзак туманидаги 2-давлат мактабгача таълим муассасаси методисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Ли Людмила Рудольфовна — Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби спорт гимнастикаси бўйича мураббий-ўқитувчиси

Мамаюсупова Гулнора Умаржоновна — Учтепа туманидаги 228-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари

Нурматова Шоҳистахон Муҳаммаджоновна — Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб директори, Андижон вилояти

Пахомов Владимир Юрьевич — Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби академик эшкак эшиш бўйича катта мураббий-ўқитувчиси

Соибова Ирода Бахтиёровна — Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Туганова Барно Асороровна — Пайариқ туманидаги "Манзурабону" нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Самарқанд вилояти

Хўжаева Дилдорхон Нурматхоновна — Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаби халқ рақси бўлими мудири

Шодиметова Фароғат Бўроновна — Тошкент шаҳри "Янгиобод" ва "Камолон дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги "Эъзозли спортчи аёллар" гуруҳи раҳбари

Шамшиддинов Исроилжон Турғунович — Наманган муҳандислик-қурилиш институти кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари кафедраси профессори

Юлдашева Феруза Эламасовна — Оҳангарон шаҳридаги 7-имконияти чекланган болалар ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаби логопеди, Тошкент вилояти

Якубова Марина Владимировна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Sport" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси "Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари" бош муҳарририяти бўлим мудири

"Шуҳрат" медали билан

Авазова Маъмура Эркиновна — Тошкент шаҳар марказий маданият уйи қошидаги "Нодирабегим" фольклор-этнографик ансамбли раҳбари

Акимов Едилбай Курбанбаевич — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси қошидаги "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

Аппазова Ленара Имрановна — Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби хор ва эстрада хонандалиги синфи ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Арипова Умида Жангировна — Сергели туманидаги 329-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Артиқов Бахтиёр Абдимуротович — Шўрчи туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Асроров Ўткир Қудратович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳайкалтарошлик кафедраси ўқитувчиси

Бобожонов Улуғбек Салаевич — "Хоразм" мақом ансамбли хонандаси, Хоразм вилояти

Бозоров Зиёдулло Назарович — Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри бош дирижёри

Валихўжаев Ибрагим Муталлиевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Генжебекова Насиба Шарибаевна — Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театри актёри, Қорақалпоғистон Республикаси

Давлатов Олим Давлатович — "Тамаддун" нашриёти директори, адабиётшунос, Тошкент шаҳри

Давлатова Норбиби Шокировна — Нурота тумани маданият бўлими қошидаги "Нуржаҳон" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Навоий вилояти

Жалолов Наби Сотқинович — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Завадинов Нарзулла Ҳамроқулович — Ғаллаорол туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ибрагимов Сагимбай — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпоғистон Республикаси

Исоқов Саидакмалхон Бўстонбек ўғли — Фарғона вилояти "Рухсор ТВ" телеканали телеоператори

Исломова Лобар Икромовна — "Anhor.uz" веб-сайти бош муҳаррири

Калбаев Махсат Галиевич — Томди туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби тўгарак раҳбари, жиров, Навоий вилояти

Қодирова Дилфуза Исмоиловна — Наманган вилояти мусиқали драма театри вокал артисти

Қурбонов Ғолибназар Исомиддинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston 24" телеканали "Таҳлилнома" ахборот-таҳлилий дастурлар бўлимининг биринчи тоифали муҳаррири

Мавлонов Анвар Ғайбуллаевич — Бухоро вилояти мусиқали драма театри олий тоифали актёри

Мамадалиев Мамасодиқ Расулович — Фарғона шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўзбек миллий мусиқа асбоблари устаси, Фарғона вилояти

Матанов Икром Йўлдошевич — Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли олий тоифали артист-созандаси

Матчонов Очилбек Йўлдошбоевич — Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби анъанавий вокал бўлими ўқитувчиси, Хоразм вилояти

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1, 2-бетларда)

Мўминов Давлатмурод Абдухалимович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston 24" телеканали бош муҳаррири

Мўминов Толиб Тешаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Муродова Нозима Фахриддиновна — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Неъматов Комилжон Иброҳимович — Уйчи тумани маданият маркази қошидаги "Тарона" ашула ва рақс ансамбли мусиқа раҳбари, Наманган вилояти

Немадалиев Анваржон Аҳмадалиевич — Риштон тумани маданият маркази қошидаги "Ёш аскиячилар" мактаби раҳбари, Фарғона вилояти

Олимова Юлдузхон Тўлахўжаевна — "Озод юрт тўлқинлари" масъулияти чекланган жамияти муассислигидаги "Менинг юртим" телеканали мухбири

Ощепкова Юлия Игоревна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти лаборатория мудири

Сагатова Шаҳноза Мирзараҳимовна — ижтимоий тармоқлардаги "Bloger Shahnoza" саҳифаси бош муҳаррири (блогер)

Сулаймонов Маъсуджон Мўминович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бўйича шарҳловчиси

Тўхтаева Зебо Исматуллаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston 24" телеканали биринчи тоифали муҳаррири

Умарова Анзират Очиловна — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри вокал артисти

Ўринов Фарҳод Ҳамидович — Сирдарё вилояти мусиқали драма театри олий тоифали драма артисти

Фозилова Дилбархон Шомуродовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти бўлим мудири

Ҳожиқулов Равшан Ғуломжонович — Андижон вилояти маданият бошқармаси қошидаги намунавий мақом ансамбли бадиий раҳбари

Ҳайдарова Лобар Турдиевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳарририяти бош муҳаррири — радио гуруҳи раҳбари

Худойбердиев Аброр Ҳакимович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети алгебра ва функционал анализ кафедраси профессори

Ҳусанова Гулноза Турсунмуродовна — "UzReport TV" телеканали бош муҳаррири

Шарипов Дилшод Шоҳиджонович — "Simple Networking Solutions" масъулияти чекланган жамияти муассислигидаги "Daryo.uz" интернет-нашри муҳаррири

Шералиев Ғайрат Раҳматуллаевич — "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти бош муҳаррири, Тошкент вилояти

Юсупбоев Йўлдош Бозорбоевич — "Teleradiokompaniya Zo'r" масъулияти чекланган жамияти дизайнери, Тошкент шаҳри

Яқубова Одинахон Эргашевна — Фурқат тумани маданият маркази қошидаги "Шодиёна" фольклор-этнографик халқ жамоаси бадиий раҳбари, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Наврўзов Маҳмадали — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали болалар хирургияси бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Раҳимқулов Худойқул Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи

Сотволдиева Маҳбуба Насирдиновна — Фарғона туманидаги "Шоҳимардонобод" қишлоқ врачлик пункти мудири, Фарғона вилояти

Иноятова Флора Ильясовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна — Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Андижон вилояти

Сагиров Анвар Мидхатович — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали директори

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Ҳожибоев Абдуҳаким — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Жумаев Бахтиёр Шернович — Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси инфекционисти, Сурхондарё вилояти

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Бекназаров Жуманазар Бекназарович — Тошкент педиатрия тиббиёт институти урология бўлими профессори

Раҳматуллаев Маҳмуд — Кармана туманидаги 1-қишлоқ врачлик пункти мудири, Навоий вилояти

Тўраев Намоз Абдусаматович — Сурхондарё вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори ўринбосари

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Бобоева Замира Қаюмовна — Навоий вилояти болалар юқумли касалликлари шифохонаси бош ҳамшираси

Каримова Раҳбар Нурматовна — Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази педиатр шифокори

Маҳмудова Маҳбуба Омоновна — Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий поликлиникаси болалар невропатологи, Тошкент шаҳри

Саломов Улуғбек Иноятович — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими мудири

Холбоева Турсун Омондуллаевна — Сирдарё вилояти Болалар уйи бош шифокори

"Дўстлик" ордени билан

Аграновский Марк Лейзерович — Андижон давлат тиббиёт институти психиатрия ва наркология кафедраси мудири

Аҳмедиев Маҳмуд Мансурович — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлими мудири

Каримжонова Вазира Холматовна — Вирусология илмий-текшириш институти клиник биокимё диагностика лабораторияси мудири

I даражали "Саломатлик" ордени билан

Абдужаббаров Холмўмин — Баллаорол тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими инфекционисти, Жиззах вилояти

Абдураззоқов Алижон Ғаниевич — Учкўприк туманидаги "Меҳригиё" хусусий корхонаси агрономи, Фарғона вилояти

Абдурайимов Баҳодир Турсунович — "Chortoq resort" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Абдурахмонов Комил Ҳамроқулович — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси бўлим мудири

Борисова Елена Михайловна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Жиянбоев Отабек Эшдавлатович — Чилонзор туманидаги "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Мамараҳимов Ҳабибулла Мухторович — Избоскан туманидаги "Доктор Ҳабибулло шифо нур" хусусий шифохонаси бош шифокори, Андижон вилояти

Муҳиддинова Миннигул Асқаровна — Жиззах вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокорининг биринчи ўринбосари

Назиров Феруз Ғафурович — "Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази" давлат унитар корхонаси директори

Обидов Қобулжон Орифович — Марҳамат туманидаги "Орифжон шифо маскани" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Рўзимуҳамедов Нурулла Суннатуллаевич — Олмазор туманидаги "New Life Medical" хорижий корхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Сирожиддинов Комилжон Бобожонович — Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Убайдуллаев Ўрозбоқ — Жиззах вилоятидаги "Истиқлол" болалар оромгоҳи директори

Усмонов Ҳошим Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғи

II даражали "Саломатлик" ордени билан

Абдуллаев Омондулла Убайдович — Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиолог-реаниматологи

Абдуллаева Шоҳиста Эргашевна — Наманган вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактик тадбирларни ташкил этиш бўлими мудири

Абдухалилова Гулнора Кудратуллаевна — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти лойиҳа раҳбари

Акбарова Фарида Шораҳимовна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги "Бўстон санаторийси" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Алланазаров Сайфулла Суярқулович — Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционисти

Бўтаева Дилбархон Аҳмадовна — Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Наманган вилояти

Долимова Дилбар Акбаровна — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази биотехнология лабораторияси мудири

Душамова Меҳрибон Шавратовна — Хоразм вилояти эндокринология диспансери бош шифокори

Жалилов Адҳам Қаҳрамонович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали кардиохирургия бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Исмоилова Гулнора Аҳмедовна — Самарқанд шаҳридаги "Дардгир-шифо" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Исмоилова Адолат Абдураҳимовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти лаборатория мудири

Қобилова Шаҳодат Бобомуродовна — Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Қаландарова Лола Нуруллаевна — Тошкент шаҳар фтизиатрия ва пульмонология маркази директори

Каримова Наргиз Қуддусовна — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори

Мадаминов Маърифжон — Республика ўлат профилактикаси маркази вабо эпидемиологияси ва бактериологияси лабораторияси мудири

Мамадиёров Абдибулло Мейлиевич — Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бош шифокорининг ўринбосари

Мейлиев Қаҳрамон Эргашович — Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси Жейнов шифохонаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Миронец Ольга Артемовна — Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси мудири

Нуруллаев Қурбонназар Аминович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш хизмати бош шифокори

Олтиев Усмон Бебитович — Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиология ва реанимация бўлими мудири

Пирназаров Маъруф Маҳмуджонович — Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

Султонова Муҳаббат Муйдиновна — Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси шифокори

Тўраев Аҳмад Мусурович — Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Убайдуллаев Ваҳобиддин Ҳошимович — Фарғона вилояти перинатал маркази реанимация бўлими мудири

Умаров Шуҳрат Жумадуллаевич — Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази лаборатория мудири

Хўжаев Бозор Озодович — Шаҳрисабз тумани юқумли касалликлар шифохонаси реаниматолог шифокори, Қашқадарё вилояти

Ҳожимуҳамедова Раъно Абдуллаевна — Олмазор туманидаги "Гунча Мед сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Худойберганов Раматилло Каримович — Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Хоразм вилояти

Шарипов Равшан Оллаёрович — Тошкент тиббиёт академияси анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси

Юлдошев Абдувоҳид Абдурашидович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

Юлдошев Сафарбой Ражабович — Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Хоразм вилояти

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Ризаев Камол Саидакбарович — Тошкент давлат фармацевтика институти ректори

"Соғлом турмуш" медали билан

Абдураҳмонов Абубакир Аҳмедович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бош санитария шифокори

Арабова Салима Бозоровна — Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмаси диагностика бўлими ультратовуш текшируви шифокори, Сурхондарё вилояти

Байбурина Гўзал Салаватовна — Марказий ҳарбий клиник госпитали анестезиология ва реанимация бўлинмаси фельдшер-катта тиббиёт ҳамшираси

Байзахова Рая Косшигуловна — Томди туманидаги "Керегетау" қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

Дилов Элбек Шукруллоевич — Бухоро вилояти наркология диспансери реабилитация бўлими нарколог-шифокори

Ибодуллаева Наргиз Сапиевна — Вирусология илмий-текшириш институти катта илмий ходими

Исматова Раъно Аҳадовна — Бухоро давлат тиббиёт институти академик лицейи директори

Каримбердиев Баҳриддин Исматиллаевич — Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси бош шифокорининг жарроҳлик ишлари бўйича ўринбосари

Мамадалиев Жўрақул — Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи Қарши ҳарбий госпитали жарроҳлик бўлинмаси шифокори

Пирова Феруза Болтаевна — Бухоро вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси мудири

Раҳмонова Гўзалхон Садбаровна — Наманган шаҳри Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази санитария-бактериология бўлими лаборанти, Наманган вилояти

Тожибоев Фарҳоджон Маҳмудович — Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Андижон вилояти

Эсамуратов Равшанбек Ибрагимович — Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиология-реанимация бўлими шифокори

Эшонқулова Ҳилола Абдусаломовна — Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази сунъий буйрак бўлими катта тиббий ҳамшираси

Ярмуҳамедова Наргиза Анваровна — Самарқанд давлат тиббиёт институти юқумли касалликлар, эпидемиология ва теританосил касалликлари кафедраси мудири

"Келажак бунёдкори" медали билан

Саидазимов Фируз Шоазимович — Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлигининг бошланғич ташкилоти етакчиси (волонтёр)

Сафарова Камола Ҳамроевна — Тошкент давлат стоматология институти талабаси (волонтёр)

"Жасорат" медали билан

Неъматов Одилжон Низомиддинович (марҳум) — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ўпка сили жарроҳлиги бўлими мудири

Рустамов Фаррух Фарҳодович (марҳум) — Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Шарипова Венера Васильевна (марҳум) — Яккасарой тумани тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош ҳамшираси, Тошкент шаҳри

Шукруллаев Баҳром Каромович (марҳум) — Олмазор туманидаги 18-оилавий поликлиника шифокори, Тошкент шаҳри

"Шуҳрат" медали билан

Баротова Камола Узоқовна — Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Бухоро вилояти

Деҳқонова Шаҳноза Зоировна — Жиззах вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси лаборанти

Исроилов Жаҳонгирхон Жамшидхонович — Тошкент тиббиёт академияси халқаро факультети декани

Мардонова Соҳиба Мамараҳимовна — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси ҳамшираси

Сагдуллаев Абдулло Нарзуллаевич — Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси эпидемиолог шифокори

Сувонқулов Ўктамжон Тоирович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий паразитология илмий-текшириш институти директори

Хайриддинова Насибахон Нўъмоновна — Андижон вилояти "Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар интернат уйи ҳамшираси

Холмуродов Ўрозмурод Қаршиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари эпидемиология бўлинмаси бошлиғи

Худойқулова Гулнора Каримовна — Тошкент тиббиёт академияси болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти

Шарипов Азамат Баҳодирович — Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 август

Ижтимоий сўров

Ўзбекистон янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзига интилмоқда

"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида "Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 29 йиллиги" мавзуида комплекс сўров ўтказилди.

Тадқиқот давомида мамлакат, жамият ва ўзбекистонликлар ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижалари ва сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар тўғрисида иштирокчиларнинг фикр ва тасаввурлари ўрганилди.

Сўров натижаларига кўра, аксарият иштирокчилар Мустақиллик куни бу — ўзбекистонликлар учун ҳақиқий ватанпарварлик ҳисси, Ватан учун фахр-ифтихор туйғуларига тўлиқ байрам, мамлакат аҳолисининг жипслиги рамзи, деб ҳисоблайди.

Уларнинг фикрича, Ўзбекистон юқори босқич, янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзига интилмоқда, жуда кўп соҳаларда муваффақиятларга эришаётир ва мамлакатдаги фуқаролик ҳамда миллий тотувлик шарофати ўлароқ барча қийинчилик ва синовларни шараф билан енгиб ўтмоқда.

Сўров иштирокчилари Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик сақланиб қолмоқда, ижтимоий-сиёсий, миллатлараро, конфессиялараро ва ҳарбий ихтилофлар ҳамда зиддиятлар мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. Мамлакатда вазмин, чуқур ўйланган ва миллатлараро конструктив сиёсат ўтказилаётганига, ушбу сиёсат аҳоли, айниқса, ёшларнинг онгида инсонпарварлик қадриятларининг мустаҳкамланишига, жамиятда миллатлараро тотувлик, турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги ҳурмат ва ўзаро ёрдам муҳитини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашга ёрдам беришига ишонади.

Телефон сўровининг 56,5 фоиз иштирокчилари ва 60,1 фоиз интернет фойдаланувчиларининг фикрича, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари амалга оширилмоқда. Молия ва банк тизими, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда бошқариш тузилмалари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шароитлар яратилмоқда, бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатланмоқда, хорижий капитал сармояларни жалб қилиш ҳажмларини кўпайтиришга ва қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам берувчи қулай инвестициявий муҳит таъминланмоқда.

Иштирокчилар фикрича, коронавирус пандемияси туфайли келиб чиққан иқтисодий таназзул оқибатлари нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё учун ҳақиқий синов бўлганига қарамасдан Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳасида қатор натижаларга эришилди, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи аграр секторда ушбу мураккаб шароитда муайян ўсиш кузатилди.

Сўнгги йилларда ижтимоий инфратузилма, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди, давлатнинг ёшларга оид сиёсати мақсадли равишда амалга оширилмоқда.

Сўров иштирокчилари пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига давлат томонидан кўрсатилган ёрдамни ижобий баҳолайди. Респондентлар Ўзбекистонда аҳолининг фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида аҳоли ҳаётини яхши томонга ўзгартириб, янги имкониятлар очиб бераётган "Ҳар бир оила - тадбиркор", "Ёшлар - келажагимиз", "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари самарали рўёбга чиқарилаётганлигини қайд этишди.

63,2 фоиз телефон, 67,9 фоиз интернет респондентлари шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлаштирилиши, йирик автойўллар, ички йўллар ва пиёдалар йўлакчаларининг қурилиши ва таъмирланишини, йўлбўйи ҳудудларининг ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилишини, ёритиш тизимининг ташкил этилиши, болалар боғчалари, мактаблар, тиббиёт, спорт, маданият муассасаларининг таъмирланишини муҳим ютуқ деб ҳисоблайди.

Телефон сўровининг 61,6 фоиз қисми таълим соҳасида катта ижобий ўзгаришлар, жумладан, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганини қайд этишган.

Телефон сўровида иштирок этган 59,9 фоиз респондент ва 45,1 фоиз интернет фойдаланувчилари "COVID-19" кенг тарқалишининг олдини олиш, қулай санитар-эпидемиологик вазиятни таъминлаш ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, коронавирусга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш борасида соғлиқни сақлаш тизимининг муваффақиятини қайд этди. Улар тиббиёт ходимларининг қаҳрамонлигини алоҳида таъкидлайди.

Сўровда 65,6 фоиз телефон ва 40,9 фоиз интернет орқали иштирок этган респондентлар давлатнинг Ўзбекистон ҳамда яқин ва узоқ хориж мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, уни янада мустаҳкамлаш, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини, тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлидаги ўзаро фойдали мулоқотни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларини юқори баҳолади.

Телефон сўровининг 63 фоиз иштирокчилари давлат, мамлакат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига илғор ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши муҳим ютуқ, деб ҳисобланади. 67,1 фоиз интернет тармоғи фойдаланувчилари ҳам шу фикрга қўшилади.

Иштирокчилар мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш бўйича самарали чора-тадбирлар қабул қилинганлигини алоҳида қайд этди.

Қишлоқ хўжалигида юз берган ижобий ўзгаришлар туфайли тармоқда ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши бошланди, фермерлар ва деҳқонларнинг ички ва ташқи бозорларда талабгир, рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришдан, кичик ва ўрта бизнесни маҳсулот етиштириш, сотиш ва қайта ишлаш тизимига жалб қилишдан манфаатдорлиги ўсди. Иштирокчиларнинг қайд этишларича, сўнгги вақтларда аниқ мақсадли экспорт сиёсатининг амалга оширилиши ва дунёда органик маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон брендининг илгари сурилаётганлиги алоҳида ифтихор ҳиссини бахш этади.

Шунингдек, сўровда юртдошларимизнинг Мустақиллик уларга ва оилаларига нималар берганлиги, шахсий, касбий ва маънавий ривожланиш, моддий фаровонликни ошириш учун қандай имконият ва шароитларга эга бўлганликлари ҳақидаги фикрлари аниқланди. Жумладан, иштирокчиларнинг фикрига кўра, мустақил Ўзбекистон — бу фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, таълим олиши, мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, дўстлар ва маслақдошлар билан мулоқотда эҳтиёжларини қондириши, оила қуриши, жамиятда ўз ўрнини топиш имконияти, оиласи, жамият ва давлат фаровонлиги учун меҳнат қилиши каби барча ҳаётий мақсадларга эришиш учун катта имкониятлар мамлакатидир.

Ушбу сўров доирасида бутун дунё учун ҳақиқий синов бўлган коронавирус инфекцияси пандемиясига мамлакатимизнинг тайёрлиги даражаси ҳақида ҳам аҳолининг фикри аниқланди.

Хусусан, унга кўра, 65,1 фоиз телефон сўрови иштирокчилари Ўзбекистон "COVID-19" тарқалиши билан боғлиқ вазиятга тўлиқ даражада тайёр эканини маълум қилган. Уларнинг фикрича, мамлакатимизга вирус кириб келгани аниқланган заҳоти жуда катта фаоллик билан иш кўрилди, шу боисдан, коронавирусининг тарқалиши дунёнинг бошқа мамлакатларидаги каби кенг миқёсда содир бўлмади. Мамлакат раҳбарияти ўз вақтида амалий чора-тадбирлар кўрди, улар туфайли мамлакатдаги санитар-эпидемиологик вазият назоратга олинди, ихтисослаштирилган касалхоналар ва коронавирусга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш учун карантин марказлари олдиндан тайёрланди, дорилар, тиббиёт асбоб-ускуналари, ИВЛ аппаратлари заҳираси шакллантирилди, "Тез ёрдам" хизматининг аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатиш бўйича имкониятлари оширилди, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Аксинча, 23,5 фоиз респондентлар фикрича, мамлакатимизнинг коронавирус пандемиясига тайёрлиги "тўлиқсиз даражада" эди. Хусусан, бошланишида шахсий ҳимоя воситалари, тиббиёт ниқоблари ва дезинфекцияловчи воситалар етишмовчилиги юз берди, тез тиббий ёрдам хизмати ва касалхоналар фуқаролардан келиб тушаётган ва ўсиб бораётган мурожаатларни қондира олмади.

Умуман олганда, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 29 йиллиги" мавзуида ўтказилган комплекс сўров натижалари мамлакат президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар давлат ва жамият, фуқаролар ҳаётининг барча соҳаларини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузини мустаҳкамлаш, оилалар фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ва камбағалликнинг камайишига ёрдам беришини тасдиқлайди.

"Ижтимоий фикр" маркази хабарлари асосида ЎзА мухбири Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

Брифинг

Суд раислари аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳам ўрганмоқда

2020 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида одил судловни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди.

Мазкур йиғилиш баёни ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

"Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларни бажаришда, аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда суд ишларининг асосий қисми жойларда, сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Бундай тадбирлардан кейин эса аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, уларга қонунчиликдаги ўзгаришлар, жиноят оқибатлари кенг тушунтириб борилмоқда.

Суд раисларининг кенг жамоатчиликка ахборот бериш амалиёти ҳам мулоқот асосида аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган.

Тошкент шаҳар судлари раислари иштирокида ташкил этилган брифинг шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда пойтахт жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Бахтиёр Исломов жорий йилнинг биринчи яримида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2 минг 456 нафар шахсга нисбатан 1 минг 949 иш кўриб чиқилганини маълум қилди.

Жумладан, 57 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди, судланган шахслар сони 2 минг нафарни ташкил этиб, шундан 471 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 1,5 мингдан зиёдига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 107 нафар шахс шартли ҳукм қилинди.

Шунингдек, 242 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди. Мингдан ортиқ шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафар шахсга тайинланган жазо енгили билан алмаштирилди, 372 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

165 нафар шахсга тегишли ташкилотларнинг кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жиноят турларидан қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилик, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, одам савдоси, мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиноятлар учун судланганлик кўрсаткичлари камайди.

Ярашув институти самарали қўлланилиши натижасида 395 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Етказилган 21 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 137 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси Ўткир Холов фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 14 минг 672 иш кўриб чиқилганини таъкидлади.

Ҳисобот даврида 3 миллиард 147 миллион сўмдан зиёд мажбурий тўловларни ундириш ҳақида 2 минг 673 суд буйруғи чиқарилди. Кўриб чиқилган фуқаролик ишлари бўйича 13 минг 207 ҳал қилув қарори чиқарилди. Ушбу қарорлар бўйича талабларнинг 88,5 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди.

Даъво тартибидаги фуқаролик ишларидан 2 минг 622 таси никоҳдан ажратиш, 7 минг 984 таси битимлар билан боғлиқ, 46 таси оталикни белгилаш, 684 таси уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш, 285 таси ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки қурилмани бузишга оид ва бошқа ишларни ташкил қилди.

Тошкент шаҳар маъмурий судининг раиси Неъматжон Акбаровнинг қайд этишича, 29 минг 353 нафар шахсга нисбатан 26 минг 132 маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар биринчи босқичда кўриш учун келиб тушган.

2020 йилнинг 6 ойи давомида жами 29 минг нафарга яқин шахсга нисбатан 25 минг 531 маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 682 иш кўриб тамомланган, шундан 62 фоизи қаноатлантирилган, 23 фоизи рад қилинган. Ҳокимлар қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ 58 иш кўрилган бўлиб, шундан 60 фоизи қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий судининг раиси Лутфулла Абдуллаев Тошкент шаҳар ва Тошкент туманлараро иқтисодий судларига 13 минг 269 ариза ва даъво аризалар келиб тушганини айтиб ўтди. Шундан 8,5 мингдан зиёди мазмунан кўриб чиқилган, 7 мингдан ортиғи қаноатлантирилган.

Кўрилган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига 858 миллиард 179 миллион сўм ундириш бўйича ижро варақалар берилган. Шунингдек, 28,5 миллиард сўм давлат божини ундирув бўйича ижро варақалар берилган. Бундан ташқари, тарафлар томонидан республика бюджетига 10 миллиард 661 миллион сўм давлат божи ихтиёрий тўланган.

Брифингда суд раислари апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича ҳам маълумот берди.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Ўртага ташланган муаммолар суд раислари томонидан ёзиб олиниб, ҳал қилиш чоралари кўрилиши маълум қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Меҳнат қонунчилиги

Адолат

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Қолаверса, банк маъмурияти томонидан унга икки ой олдин огоҳлантириш хати ҳам берилганди.

Аммо кутилмаганда вазият бутунлай ўзгариб кетди. Аниқроқ айтганда, Г.Алижоновага айнан унинг иш ўрни қисқартирилгани айтилмасдан компьютер тизими ўчириб қўйилади. Шундан сўнг у ўзининг ишдан бўшатилганини англаб етади.

Аслида, банкда янги иш ўринлари яратилганди. Энг қизиғи, бу янги иш ўринларига ўрта махсус маълумотли, меҳнат стажига эга бўлмаган ходимлар доимий ишга қабул қилинади.

Тажрибали, олий маълумотли мутахассис Г.Алижоновага эса, бошқа иш таклиф қилинмайди. Бунинг устига Агробанкнинг туман филиали томонидан 2019 йил 28 октябрь санасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 29-сонли буйруқ чиқариладики, охирги оқибат Г. Алижонова ишдан бўшатилади.

Албатта, бундай вазиятда ҳамманинг ҳам кўнгли ранжийди, Г.Алижонова ҳам шундай ҳолатни бошдан кечирди. Афсусланарли томони шундаки, у маълумоти олий бўлишига қарамасдан ишдан бўшатилгани, янги иш ўринларига ўрта махсус маълумотли, меҳнат стажига эга бўлмаган ходимлар ишга олингани, иш ўрни қисқарган бўлса-да, бошқа иш таклиф этилмагани, қарамоғида уч ёшга тўлмаган фарзанди борлигию иқтисодий аҳволи оғир эканлиги инобатга олинмагани эди. Бир сўз билан айтганда, Г.Алижоновага нисбатан адолатсиз йўл тутилган эди.

У шу ҳақда ўйлаб, кўнгли қаттиқ ранжиди ва адолатни тиклаш мақсадида, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво аризасида Агробанкнинг Пахтачи туман филиалининг 2019 йил 28 октябрдаги 29-сонли буйруғини ноқонуний деб топиш, банк филиалига ўз лавозимига тенг лавозим билан ишга тиклаш, мажбурий бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ва 2 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириш сўралганди.

Г.Алижонованинг даъво аризасини батафсил кўриб чиққан суд уни қаноатлантиришни лозим топди. Суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгар Агробанк туман филиалининг 29-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилди. Аввалги иш ўрни қисқарганлиги сабабли даъвогарни шу иш ўрнига тенг ишга тиклаш, бўш юрган кунлари — 2019 йил 28 октябрдан — 2020 йил 28 январгача иш ҳақи ҳамда етказилган 2 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундирилди. Ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш қисмлари дарҳол ижрога қаратилди.

Биз бу воқеани келтириш билан жавобгарнинг обрўсига соя ташлаш фикридан йироқмиз. Мақсад: келгусида қаердадир худди шу сингари меҳнат қонунчилиги талаблари тағин бузилмаслиги, яна кимдир асоссиз равишда ишдан бўшаб қолмаслигининг олдини олишдир.

Энди даъвогар Г.Алижонова даъво аризаси қаноатлантирилишининг қонуний асосларига эътибор қаратамиз.

Г.Алижонова банк филиали билан 2015 йил 28 декабрда тузилган меҳнат шартномасига асосан ишга қабул қилинган. 2019 йил 18 апрелдаги 14-сонли буйруқ билан у эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва "Султонобод 1" минибанки 1-тоифали мутахассиси лавозимига ўтказилиб, 2015 йил 28 декабрдаги 61-сонли меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритилган.

Мазкур фуқаролик ишида банк филиалининг 2019 йил 26 августдаги ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш хати мавжуд. Ушбу хат банк бошқарувининг "Банкнинг таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги 5780-сонли Фармонига асосан, банкка юклатилган вазифалар ижросини ташкил этиш тўғрисида 2019 йил 16 августда чиқарилган қарорларига мувофиқ ёзилган. Бу ҳужжатларга кўра, банкнинг таркибий тузилмаларига ўзгартишлар киритилгани ҳамда "Султонобод 1" минибанки 1-тоифали мутахассиси штати ва лавозими ёпилаётгани сабабли даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан икки ойдан кейин бекор қилиниши қайд этилган.

Ўша 2019 йил 28 октябрда банк филиалида лавозими қисқартирилаётган ходимларни янги ишга таклиф этишга бағишланган йиғилиш ўтказилган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу ҳужжат билан, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига риоя этиш асосида, биринчи навбатда, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчиларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифадаги фуқаролар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахслар бўлган оилаларга ҳамда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни "кичик ватан" билан таъминлаш назарда тутилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Натижада юртимизда, аввало, қурилиш бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, "мультиплекатор" бўлди. Яъни уй қуриш учун қурилиш моллари, ишчи кучи ва техникага бўлган талаб ортиши туфайли ўзига яраша "қурилиш кластери" яратилди.

Бундан ташқари арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши иштирокчиларига, қурилиш материаллари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга, шунингдек, транспорт ташкилотларига нисбатан солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилди. Бу, шубҳасиз, ушбу бозор ва тизим тўлақонли ишлаши ҳамда келажакда ривожланишига қаратилгандир.

Дастурга мувофиқ, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жой ва квартиралар барпо этилди. Турар-жой шароитларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, юртимизда интеграция ва инвестиция жалб этиш жараёни жадал ривожланди. Йирик халқаро молия институтлари бу ўзгаришларни ижобий баҳоламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Дастур ижроси билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган бошқа бир қатор дастурлар ҳам уйғун тарзда муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, "Обод қишлоқ" дастури доирасида 2018-2019 йилларда кенг таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Натижада 896 та қишлоқда яшовчи 3 миллион 561 мингдан ортиқ аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди.

Бу, ўз навбатида, арзон уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш, энг асосийси, уй-жойларнинг нархини пасайтириш учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилишини "Обод қишлоқ" дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этиш имкониятини яратди.

Мустақилликнинг 29 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК — ҳуқуқ ва эркинлик, адолат ва инсонпарварлик кафолати

Қишлоқ жойларда — 17 минг 100 та, шаҳарларда — 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та арзон ва шинам уйлар қурилди. Бу 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп шундай уйлар бунёд этилди, деганидир.

Бошқача айтганда, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш кўлами тубдан кенгайтирилди. Шу билан бирга, ушбу бунёдкорлик ишлари ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантиришга туртки берди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали аҳолини уй-жой билан таъмнлаш ҳамда маиший турмуш шароитларини яхшилаш бўйича аниқ чоралар кўрилди. Хусусан, ўтган уч йил ичида 104 мингта оила уй-жой билан таъминланди. Бу сўнгги ўн йил ичида қурилган уйлар сонидан 1,5 баробар кўпдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Бундай муваффақиятли дастурларга талаб йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида уй-жой қурилишида хусусий секторнинг ўрни сезиларли даражада ортмоқда. Вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингта уй-жой хусусий сектор томонидан қурилаётгани ҳам шундан далолатдир.

Банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида, уларга қарийб 4 триллион сўм маблағ аукционлар орқали ажратиб берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири — "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат — "Йил мамлакати" деб эътироф этди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айланди. Шу туфайли соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошди.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, "барча амаллар ниятга қараб бўлади".

Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, эзгу ижобатини топади.

Дилшод ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мезон

Асоссиз ариза

Олий суд томонидан рад этилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2004 йил 2 июндаги суд буйруғи билан қарздор Б.Калоновдан унинг фойдасига икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланади.

Шундан сўнг ота бўлмиш зиммасидаги мажбуриятни йиллар мобайнида бажариб келган. Лекин кейинчалик хорижий давлатга ишлашга кетганлиги сабабли 2018 йил 5 январь ҳолатига кўра, у алиментдан 10.008.075 сўм миқдорида қарздор бўлиб қолади. Бироқ хориждан қайтгач, Баҳром қарзини тўлиқ тўлайди. Бу ҳақда 2018 йил 11 октябрь куни Манзура тилхат ҳам ёзиб, алимент пулларини нақд олгани ва давлат ижрочисига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқлигини маълум қилади. Шу боис 2018 йил 12 октябрда давлат ижрочиси унинг розилиги асосида ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Негаки, бу пайтда М.Ёрматованинг фарзандлари вояга етиб, алимент ундириш ёшидан ўтганди. Аммо 2019 йил апрель ойида М.Ёрматова собиқ эрининг алиментдан қарздорлиги нотўғри ҳисобланганини билдириб, яна давлат ижрочисига мурожаат қилади. Ижрочи томонидан қайта ҳисоб-китоб қилинганда, ҳақиқатан ҳам, 2018 йил 5 январ ҳолатига кўра, Баҳром Калоновнинг алиментдан 7.623.747 сўм қарзи борлиги маълум бўлади. Натижада Б.Калонов ушбу қарзини ҳам ўз вақтида тўлаб беради. Бинобарин, Манзура ўзининг 2019 йил 18 апрелда ёзган тилхатида ҳам қарздор Б.Калоновдан қайта ҳисоб-китоб қилинган 7.623.747 сўм алимент пулини нақд санаб олгани ва давлат ижрочисига нисбатан бирор-бир эътирози йўқлигини билдиради. Бироқ орадан 2 ой ўтгач, 2019 йил 24 июнда у Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Наманган шаҳар бўлимига қайтадан мурожаат қилиб, қарздордан алиментларни кечиктирган ҳар бир куни учун неустойка ундириб беришни сўрайди. Мажбурий ижро бўлими Б.Калоновдан алимент ундириш бўйича ижро иши юритиш тамомлангани сабабли неустойка ундириш рад этилгани, ундирувчи бу хусусида тегишли судга мурожаат қилишини маълум қилади. М.Ёрматова давлат ижрочисининг ушбу жавобидан норози бўлади ва шунинг учун у Уйчи туман маъмурий судига ариза билан мурожаат қилиб, Мажбурий ижро бюроси Наманган шаҳар бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни ҳамда давлат ижрочиси зиммасига алимент кечиктирилган ҳар бир кун учун неустойка ҳисоблаб, ундириш мажбуриятини юклашни сўрайди. Суднинг 2019 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори билан эса, унинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилади. Наманган вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига биноан, ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Баҳром Калонов Олий судга ёзган назорат тартибидаги шикоят аризасида суд қарорларини бекор қилиб, иш бўйича аризани рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, назорат тартибидаги ушбу иш видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқилди. Гарчи Олий суд Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги "Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 13-бандида неустойка тўлаш мажбурияти (Оила кодексининг 142-моддаси иккинчи қисми) алимент агар суд ҳужжатига асосан ундирилган бўлса, вужудга келиши, алимент ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати ижроси жараёнида алимент бўйича қарз вужудга келиши сабабли неустойка миқдорини ҳисоблаш ва ундириш давлат ижрочилари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, Уйчи туман ва Наманган вилоят маъмурий суди ушбу иш бўйича давлат ижрочисининг 2018 йил 12 октябрдаги қарори билан иш юритиш тамомланганини эътибордан четда қолдирган. Негаки, давлат ижрочисининг ушбу қарори ҳозирги кунда қонуний кунда. Яъни ижро иши 2018 йил 12 октябрда тугаллангани ҳолда 2019 йил июнь ойида — давлат ижрочисининг иш юритувида бўлмаган вақтда М.Ёрматованинг неустойка ҳисоблаш ва ундириш юзасидан қилган мурожаати қонуний ҳисобланмайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига кўра, суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Ушбу кодекснинг 264-моддасига мувофиқ эса, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни ёки ажримни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Бинобарин, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати Уйчи туман маъмурий судининг 2019 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори ҳамда Наманган вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорини бекор қилди. Шунингдек, янги ҳал қилув қарори билан аризачи Манзура Ёрматованинг жавобгар Мажбурий ижро бюроси Наманган шаҳар бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва неустойка ҳисоблаб, ундириш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси рад этилди. Қолаверса, М.Ёрматовадан суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ундирилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Тўғри, фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаш ота-онанинг конституциявий бурчи саналади. Лекин фарзанд вояга етгач, бу вазифа ота-она зиммасидан соқит бўлади. Шундай экан, М.Ёрматованинг асоссизлиги боис рад этилган талаби бошқа ундирувчиларга сабоқ бўлиши шарт.

Лукмон ҚОДИРОВ,
Олий суд судьяси

Жиноят ва жазо

Жазо ўтаётган судланувчи

такрор ва такрор жиноятга қўл урди

Маълумки, ҳаётда содир этиладиган жиноий қилмишларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш моҳият-эътибори билан маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишга хизмат қилади. Аммо кундалик турмушимизда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар қилмишлари учун тайинланган жазодан тегишли хулоса чиқариб олишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, яна жиноий қилмишларга қўл уради.

Фарғона шаҳрида яшовчи, йигирма тўққиз ёшли Муножат Маъмурова ҳам ана шундай жиноятдан тийилмаган ҳамюртларимиздан биридир. Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта. 2015 йил бошидан то бугунга қадар 7 маротаба судланишга "улгурган" бу синглимиз фирибгарлик қилмишининг роса ҳадисини олган десак, хато бўлмайди. Энг ачинарлиси шундаки, М.Маъмурова жорий йилнинг ўзида, аниқроғи, йилнинг дастлабки 5 ойи мобайнида бир эмас, нақ 3 маротаба айнан фирибгарлиги учун қонуний жазога тортилди. Бошқача айтганда, бу борада "рекорд" ўрнатди дейиш ҳам мумкин.

Аслида М.Маъмурова Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисмида назарда тутилган товламачилик жиноятини содир этгани боис жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2018 йил 21 декабрдаги ҳукмига биноан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосини ўтаётганди. Бироқ кейинчалик унинг аввал содир этган фирибгарлик қилмишлари ҳам фош бўлди. Қолаверса, 2019 йил мобайнида яна такрор ва такрор фирибгарликка қўл урган экан.

* * *

Ўшанда 2018 йил июль ойининг охирлари эди. М.Маъмурова Хитой давлатидан турли товарларни олиб келиб сотувчи Саида Амирова(жабрланувчиларнинг исм-шарифлари ўзгартирилган) билан танишиб қолади. Шундан сўнг у Саидадан насияга маҳсулот олиб, сота бошлайди.

(Давоми 6-бетда) ▶

мезони

ғайриқонуний буйруқнинг бекор қилиниши билан қарор топди

Йиғилиш қарорида ҳам Г.Алижонова билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилиниши назарда тутилган. Шунингдек, фуқаролик ишида низога сабаб 29-сонли буйруқдан кўчирма мавжуд. Кўчирмада Г.Алижонова билан тузилган 32-сонли меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан, бекор қилиниб, охирги ҳисоб-китобни амалга ошириш лозимлиги кўрсатилган.

Шу ўринда Фуқаролик кодексининг 39-моддасига тўхталиш лозим. Чунки ушбу моддада ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ана шу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажарадиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланиши қатъий белгиланган. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Жавобгар банк филиали томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 29-сонли буйруқда вилоят Агробанк касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги ҳақида ҳужжат баён этилган. Бироқ касаба уюшмаси розилиги олингани ҳақидаги ҳужжатларни жавобгар судга тақдим қилмаган.

Бундан ташқари жавобгар томонидан судга йиғилиш баённомаси нусхаси тақдим этилган. Унда жавобгар даъвогарни уч ёшга тўлмаган боласи борлиги ва маълумоти олий эканлиги инобатга олиниб, бошқа иш таклиф этилгани ёзилган. Аммо даъвогарнинг бу баённомадан хабари йўқ. Шу боис, у йиғилиш баённомаси билан танишганини тасдиқловчи имзо қўймаган.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 101-моддасига асосан жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб, бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ушбу кодекснинг 103-моддасида эса, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қонун талабларига риоя этилмаганлиги даъвогар Г.Алижонованинг ҳуқуқлари жиддий бузилишига сабаб бўлган. Суд Меҳнат кодексининг 112-моддасига кўра, иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклади. Қисқаси, судда низо адолатли ечим топди. Ғайриқонуний буйруқ суд тартибида бекор қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки Конституциямизда фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари қатъий кафолатлаб қўйилган.

Фуқароларнинг Бош Қомусимиздаги меҳнат билан боғлиқ ана шу ҳуқуқлари амалдаги Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур қонунларда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ҳақ тўлаш, меҳнатни рағбатлантириш мезонлари аниқ белгиланган.

Бундан ташқари иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган ҳар қандай меҳнатга оид низолар ходимларнинг вакиллик органи — касаба уюшмалари ёхуд фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади ва қонун доирасида ҳал этилади.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги қарорида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва одил судловга эришиш юзасидан судларга батафсил раҳбарий тушунтириш берилган.

Буларни алоҳида таъкидлаётганимиз бежизга эмас. Боиси, юқорида тилга олинган қонунлар ва Олий суд Пленумининг қарори судларда кўрилаётган меҳнат низолари билан боғлиқ ишларнинг адолатли ҳал этилиши ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишида мустаҳкам асос ва ҳуқуқий манбаа вазифасини ўтамоқда.

Камол НОМОЗОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, қарз шартномаси ким томонидан имзоланиши керак?

— Қонун талабига кўра, қарз шартномаси тарафлар, яъни қарз берувчи ва қарз олувчи томонидан имзоланади.

— Қарз шартномаси тузишда гувоҳлар иштирок этиши керакми?

— Амалдаги қонунчилигимизда қарз шартномасини тузишда гувоҳлар ёки бошқа шахсларнинг иштироки назарда тутилмаган.

— Қарз шартномаси бўйича қарздор қарзга олинган мулкни қайси пайтда қайтариши керак?

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

— Агар қарз шартномасида қарз суммасини қайтариш муддати белгиланмаган бўлса, қарз суммаси қайси муддатда қайтарилиши лозим?

— Агар қарз шартномасида қарзни қайтариш тартиби ва муддатлари кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда Фуқаролик кодексининг 735-моддасида махсус диспозитив қоидалардан фойдаланиш назарда тутилган. Бу қоидалар қарз шартномаларидаги камчиликларни тўлдирибгина қолмасдан, шартнома шартларини келишишда стандарт намуналар вазифасини ҳам ўтайди.

Агар бундай муддат умуман ўрнатилмаган бўлса, қарздор ўз қарзини қарздор талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун муддат ичида қайтаришга мажбур. Ўз мажбуриятини бажариши учун ажратилган бу махсус ўттиз кунлик муддат қарздорнинг ҳолатини қарзни қайтариш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш муддати билан белгиланган умумий етти кунлик ижро муддатига қараганда анча яхшилайди.

— Қарз шартномаси албатта, миллий валютада тузилиши керакми ёки хорижий валютада ҳам тузилиши мумкинми?

— Амалдаги қонунчилигимизда қарз шартномасини хорижий валютада тузиш тақиқланмаган. Шунинг учун шу туркумдаги шартномалар ҳар қандай валюта бирлигида тузилиши мумкин.

Саволларга Олий суд судьяси Фируз ТУРСУНОВ жавоб берди.

Бағрикенглик

Байрам арафасида 16 нафар маҳкума аёл муддатидан илгари озод этилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий суд раисининг ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтган очиқ суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибида берган аризаси қонун доирасида батафсил ўрганилди. Маҳкума аёллар жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзининг ижобий жиҳатларини намоён этиб, муассаса раҳбариятининг ташаккурномасини олгани алоҳида эътиборга олинди.

— Билмасдан гиёҳвандлик савдосига аралашиб қолганим учун 2012 йилда 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим, — дейди кўзида ёш билан 62 ёшли самарқандлик Лола опа. — Уч нафар фарзандим бор, уларнинг яхши кунларида қатнаша олмадим. Қилган ишимдан минг бор пушаймонман. Қайтиб бу йўлга асло кирмайман. Қилмишим менга сабоқ бўлди. Мени кечирганлари учун Президентимизга, халқимизга миннатдорлигимни билдираман. Аёлнинг ўрни оилада экан, бошқа аёлларга ҳам бу каби жиноятларга аралашмасликларини тилардим.

Суд ажрими билан содир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлгани, ёши ҳамда кафолат хати инобатга олиниб, 16 нафар аёл жазодан муддатидан олдинроқ озод қилиниб, оиласи, яқинлари бағрига қайтарилди.

Юртимизда Мустақиллик байрами нафаси кезаётган шу кунларда бу эзгу тадбир аёлларга бўлган эътиборнинг, халқимизга хос юксак инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

◀ (Бошланиши 5-бетда)

— Хўжайиним вилоят прокуратурасида ишлайди, обрўли инсоннинг аёлиман. Шунинг учун сизни ҳеч қачон алдамайман, — дея М.Маъмурова уни ишонтиради.

Бинобарин, С.Амирова дастлаб М.Маъмуровага 24.000.000 сўмлик товарларни бериб, ён дафтарига ёзиб қўяди. Ўз навбатида, М.Маъмурова товарларни сотиб, пулини келтириб беради. Мана шу тариқа у секин-аста унинг ишончига кириб олади. Шу боис Саида Амирова ҳам унга янада кўпроқ маҳсулот бера бошлайди. Қарабсизки, 2018 йил сентябрь ойига қадар М.Маъмурова унинг 120.000.000 сўмлик чойшаб, турли хил кўрпа-тўшак, одеял, ёпинчиқ ва ёстиқлари ҳамда 5000 АҚШ доллари миқдоридаги тилло буюмларини олиб кетади. Лекин айни товарларни терговда шахси аниқланмаган харидорларга сотиб, пулини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Ҳақдор пулларини сўраганда эса, турли баҳоналарни рўкач қилиб, алдаб, вақтни чўзиб юраверади.

* * *

Фарғона шаҳрида жойлашган "Барака" савдо мажмуаси раҳбари Низомиддин Шаҳобиддинов 2019 йил июнь ойида М.Маъмурова билан танишган пайтида кўп ўтмай шу аёл ўзини чув тушириб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Мен ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Агар товар бериб турсангиз, бошқа дўконларга тарқатиб, ўз фойдамни ҳам чиқарардим, пулингизни ҳам қайтариб берардим, — дейди Муножат дастлабки танишувдан сўнг.

Шунга кўра, Н.Шаҳобиддиновнинг буйруғи билан иш юритувчиси Роҳатали Миртожиев М.Маъмуровага 5.000.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини насияга бериб юборади. М.Маъмурова Н.Шаҳобиддиновга сотилган маҳсулотларнинг пулини тез орада келтириб беради. Албатта, бу ҳаракати билан у тадбиркорнинг ишончига сазовор бўлади. Кейин эса, асл мақсадига ўтади. Яъни М.Маъмурова Низомиддин Шаҳобиддиновдан Марғилон шаҳрида фаолият юритувчи таниши Ғолибжон Тошматовдан шакар олиб беришни илтимос қилади. Ўз навбатида, таниши ўртага тушгани боис Ғ.Тошматов ҳам 2019 йил июнь-июль ойларида жами 61.320.000 сўмлик колбаса, шакар, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини М.Маъмуровага насияга бериб юборади. Фақатгина қарзни Н.Шаҳобиддиновнинг номига ёзиб қўяди. Буни яхши билган "қаҳрамон"имиз эса, маҳсулотларни нотаниш кимсаларга пуллайди-ю, қарзини қайтаришни "унутиб" қўяди. Шу билан бирга, Н.Шаҳобиддиновни ҳам, Ғолибжонни ҳам такрор-такрор алдашдан чарчамайди.

Жиноят ва жазо

Жазо ўтаётган судланувчи

такрор ва такрор жиноятга қўл урди

* * *

Буни қарангки, 2019 йил сентябрь-октябрь ойларида М.Маъмурова Фарғона шаҳар марказий деҳқон бозорида жойлашган 74-сонли савдо дўкони эгаси Л.Сафоқуловани ҳам фирибгарона лақиллатади. Бу икки аёлни эса, ана шу бозорда савдо қилувчи тадбиркор Юсуфжон Ҳасанов таништириб қўяди.

— Ўзим "Ягона Бибисора" хусусий корхонаси раҳбариман, — дея М.Маъмурова тап тортмай ёлғон гапиради. — Мен билан ишласангиз, сира кам бўлмайсиз. Товарларингизни сотиб, пулингизни тезроқ айлантирасиз.

У шундай деб, 2019 йил сентябрь ойида Ю.Ҳасанов орқали Лазизанинг 20.960.000 сўмлик товарини терговда аниқланмаган йўловчи "Damas" автомашинасига юклаб олиб кетадию, аммо пулини бермайди.

— Онам вафот этиб қолдилар. Шунинг учун аввалги товарингизни вақтида сотолмадим. Агар яна товар бериб турсанглар, иккаласининг пулини бирга қайтарардим, —дея у Юсуф ака билан Лазизани аврайди.

Бинобарин, Л.Сафоқулова 2019 йил 23 октябрь куни яна 25.696.000 сўмлик товарни унга ишониб топширади. Аниқроғи, Ю.Ҳасанов ўзи фойдаланаётган ва таниши Фурқатжон Илҳомовнинг "Damas" автомашиналарга товарни ортиб, М.Маъмурова айтган манзил — Қува тумани Толмозор маҳалласидаги рақамсиз уйга олиб келиб беради. М.Маъмурова эса, товарни аввал Ҳанифа Икромовага сотади. Бироқ эртаси куни товарни ундан қайтариб олади-да, номаълум шахсларга сотиб, пулини ўз эҳтиёжларига сарфлайди.

* * *

Албатта, номлари тилга олинган жабрланувчилар тоқати тоқ бўлиб, охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этишади. Пировардида, М.Маъмуровага нисбатан уччала жиноят иши бўйича Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди билан 2 та ва кодекснинг 168-моддаси 4-қисми "а"-банди билан жиноят ишлари қўзғатилади. Сўнгра у жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 14 январдаги, жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2020 йил 26 февралдаги ва жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 13 майдаги ҳукмлари билан қонуний жазоларга тортилди. Охирги ҳукмга биноан айбдорга Жиноят кодексининг 57 ва 59-моддалари тартибида илгариги жазоларини ҳам қўшиб, узил-кесил ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари — 15.204.750 сўм миқдорида жарима ҳамда 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддаси 1-қисмига биноан, судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида — у соғайгунча, ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса — бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга, маҳкуманинг ёш боласи бўлса — у уч ёшга тўлгунга қадар, жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса — уч ойдан ошмаган муддатга кечиктириши мумкин. Бинобарин, М.Маъмурованинг озодликдан маҳрум этиш жазоси 2018 йил 19 апрелда туғилган фарзанди Маъмурова Бибисора Бобурмирзо қизи 3 ёшга тўлгунга қадар — 2021 йил 19 апрелгача кечиктирилди.

Суд мажлисига қадар М.Маъмурова жабрланувчи Низомиддин Шаҳобиддиновга етказилган зарарни тўлиқ, Саида Амировага етказилган зарарни эса, қисман қоплади. Шу боис, суд ҳукмларида С.Амировага етказилганидан қолган 97.521.753 сўм, жабрланувчи Лазиза Сафоқуловага етказилган 46.656.000 сўм моддий зарарларни ундириш ҳам белгиланди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тўғри, судланувчи белгиланган муддатда қонуний жазосини ўтаб чиқади. Бироқ авжи фарзандини тарбиялаб, унга оналик меҳрини берадиган даврда озодликдан маҳрум этишили афсусланарли. Бу ҳолат эса, Бибисоранинг беғубор қалбини жароҳатламаслигига ким кафолат бера олади? Ваҳоланки, ҳаётда инсон учун онадан меҳрибон ва жонкуярроқ зот бўлмаса керак.

Ажабмас, энди М.Маъмурова ўтган "сермазмун" қисматидан тегишли хулоса чиқариб олса.

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси
Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қува тумани судининг раиси

Ўтган йилнинг айни кузагида шаҳрисабзлик Баҳром Шокиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) шериклари Собир ва Латиф билан қўшни Бухоро вилоятига сафарга отланди.

Жиноятга жазо муқаррар

Излар босилмади...

ёхуд босқинчи тўданинг кирдикорлари хусусида

Аслида, кўпчилик Бухорои шарифга зиёрат ёки дўсту бародарлари билан дийдорлашиш мақсадида боради. Бу ҳамтовоқларнинг эса, ушбу "сафар"дан кўзлаган муддаоси бошқа эди. Улар бегона ҳудудда босқинчилик ва ўғрилик қилишни кўзлашганди.

Энди шу қабиҳ воқеа тафсилотига ойдинлик киритамиз.

Баҳром носоғлом муҳитли оилада вояга етган. Мактабни амал-тақал тугатгач, ўқиш ёки тайинли бир ишнинг бошини тутмади. Ёшлигиданоқ ўғрилик, безорилик каби иллатларни ўзига касб қилди. Ҳатто у қилмишлари учун икки марта қонуний жазога маҳкум этилди.

Бироқ кейинги жазо муддатини ўташ асносида жамиятимизда қарор топган инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари туфайли Баҳромга белгиланган жазо муддати енгил жазога, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Орадан икки йил ўтиб эса, у бу жазодан ҳам муддатидан олдин шартли равишда озод қилинди.

Таассуфки, Баҳром бу бағрикенглик ва имкониятдан тўғри хулоса чиқармади. Ҳалол меҳнат қилиш, оиласи, фарзандларига наф келтириш ўрнига яна жиноят кўчасига кирди. Яъни "Букрини гўр тузатади", деган нақл айнан Баҳромга ўхшаган кимсаларга нисбатан айтилган бўлса, ажаб эмас.

Ҳаётда негадир кўпинча чиркин ниятдаги кимсалар тез ва осон тил топишади. Бунинг тасдиғи шуки, гуруҳбоши Баҳромнинг "маслак"дошлари Бухородан ҳам тезда топила қолди.

Унинг қабиҳ режасига кўра, танишлари Адиба Носирова ва Ғулом Замонов Бухоро шаҳрида яшовчи, ўзига тўқ, бадавлат хонадонларни мўлжалга олиб, уларнинг манзилини ҳамтовоқларига етказиши керак. Кейин эса, жиноий гуруҳ босқинчилик йўли билан бу фуқароларнинг мулкини қўлга киритади.

Қисқаси, уюшган жиноий гуруҳ Бухорога етиб келгач, А.Носирова шаҳарда истиқомат қилаётган тадбиркор аёллар Фаёза Ботирова ва Нигора Ваҳобова хонадонини мўлжалга олиб қўйганини билдирди.

— Бу аёллар уйидаги бойликни қўлга киритсак, кам бўлмаймиз, — деди Адиба.

А.Носированинг режаси жиноий гуруҳ аъзоларига маъқул тушди.

Ўша оқшом жиноий гуруҳ аъзолари аввалдан тайёрлаб қўйилган қўлқоп ва ниқоблар, шунингдек, ўткир тиғли ошхона пичоғи билан қуролланишди. Улар А.Носирова бошқарувидаги "Ласетти" автоуловида ярим тунда Ф.Ботировнинг хонадонига йўл олишди.

Жиноий гуруҳ манзилга етиб келгач, келишувга кўра, Адиба ва Ғулом атрофни кузатиб туриш учун автомашинада қоладиган, бошқалар эса, Ф.Ботировнинг хонадонидаги "ўлжа"ни қўлга киритадиган бўлди. Аммо улар хаёл қилган "ов" пуч бўлиб чиқди.

Чунки босқинчилар девор ошиб ҳовлига тушгач, уйдан эшитилаётган телевизор товушини одамларнинг овози деб фаҳмладилар. Оқибатда жиноий қилмишни охирига етказа олмай, ортга қайтишди.

Бундан хуноб бўлган ҳамтовоқлар орадан бир кун ўтгач, навбатдаги ўлжа — Нигора Ваҳобованинг хонадонини нишонга олишди. Улар худди аввалгидек, ярим тунда А.Носированинг автомашинасида Н.Ваҳобова яшайдиган кўчада пайдо бўлишди.

Босқинчилар Н.Ваҳобова ёлғиз ётган хонага шарпасиз кириб, унинг қўл-оёғини боғлаб, олдиндан тайёрланган елим мослама билан оғзини беркитишди. Сўнг уй бекасини калтаклаб, унга пичоқ ўқталишди.

Шу йўл билан босқинчилар Н.Ваҳобовага тегишли 20 минг АҚШ доллари, 40 миллион сўм пул маблағи ҳамда 52 миллион 500 минг сўмлик тилла тақинчоқлар, яъни жами 254 миллион 342 минг 600 сўмлик маблағ ва бошқа моддий бойликларни ўмариб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

Аслини олганда, босқинчилик ва талончиликнинг ҳадисини олган Б.Шокиров Бухородаги жиноий қилмишларидан олдин бошқа бир қинғир ишга ҳам қўл урганди. Яъни жиноий шериклари — Акмал Шарипов, Санжар Назаров билан бирга Китоб туманида яшовчи тадбиркор Яшин Ҳалимовнинг хонадонига унинг ҳамқишлоғи Зокир Муҳиддинов "кўрсатмаси" асосида тунда бостириб киришганди. Бу талончиликнинг бошқа сабаблари ҳам бор эди, албатта.

Анча пайтдан буён З.Муҳиддинов ҳамқишлоғи Я.Ҳалимовдан олган қарзини бермай келаётганди. Шу боис, кейинги пайтларда иккаласининг орасидан гап қочганди. Буни қарангки, Зокир олган қарзини вақтида қайтариш ўрнига Яшиндан ўзгалар қўли билан ўч олишни мақсад қилади.

Афсуски, "маслак"дошларнинг қалтис "операция"си барбод бўлади. Чунки Яшиннинг ён қўшниси "тунги шарпа"ларнинг қалтис ҳаракатларини сезиб қолгач, улар жиноий қилмишларини охирига етказолмай, ортга қайтишади.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат ҳам, у қай кўринишда бўлмасин, пайти келиб юзага қалқиб чиқиши тайин.

Бинобарин, узоқ суриштирув ва тергов жараёнида ҳамтовоқларнинг кирдикорлари бирма-бир ошкор бўлди. Жиноий гуруҳ етакчиси Б.Шокиров ва унинг жиноий шериклари тергов давомида турли ёлғон уйдирмаларни рўкач қилиб, сувдан қуруқ чиқиб кетишга қанчалик уринмасин, исбот ва далиллар, қолаверса, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари бу кимсаларнинг асл қиёфасини фош қилиб қўйди.

Суд ҳайъати судланувчи Б.Шокиров ва бошқа жиноий гуруҳ аъзоларининг кирдикорларини батафсил ўрганиб чиқиб, уларнинг ҳар бирига қонуний жазо тайинлади.

Шунинг баробарида, жабрланувчи Нигора Носированинг фойдасига бор-йўғи 13 миллион сўм моддий зарар қоплангани инобатга олган ҳолда, қолган 241 миллион сўм моддий зарарни судланувчилар ҳисобидан солидар тартибда ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Хулоса шуки, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Шундай экан, бу бебаҳо неъматни фақат эзгу ва хайрли амалларга бағишлаган киши асло кам бўлмайди.

Аксинча, тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаган кимсалар алалоқибат эл назаридан қолиб, юзшувут бўлади.

Бу ҳаётий аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ҳомид БОБОҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-823. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 5090
1 2 3 5 6 Топшириш вақти: 23⁰⁰. Топширилди: 02⁵⁵.